## ЎНИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

# МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ РОЛИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА СССР ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

## *СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат Г. А. АЛИЕВ доклади*

Бу қонун акти, деди Г. А. Алиев, зўр сиёсий, иқтисодий ва социал аҳамиятга молик ҳужжатдир. Бу ҳужжатда Лениннинг янги тузумнинг ижтимоий практикасида коллективчиликни тобора кенг миқёсда қарор топтириш ҳақидаги ғоялари ўз ифодасини топган, Коммунистик партия билан Совет умумхалқ давлатининг социалистик демократияни янада такомиллаштиришни кўзловчи узлуксиз йўли акс эттирилган. Унда СССР Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси вақтида, эсингизда бўлса, кўп жиҳатдан меҳнаткашларнинг ўзлари таърифлаб берган меҳнат коллективининг роли, вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалари конкрет равишда қўлланилган. Унда биз СССР ва қардош мамлакатларда орттирилган илғор тажриба умумлаштирилганлигини, социалистик жамиятнинг сиёсий системаси муттасил такомиллаштирилганлигининг яққол далилини кўриб турибмиз.

СССР Олий Советининг ушбу сессияси турмушимизда алоҳида ўрин олади. Сессия КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповни бир овоздан, баланд руҳ билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлади. Бу қарор мамлакатимизнинг олий манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади ва партия билан халқнинг бирлигини янада мустаҳкамлашга, Совет давлатининг фаолиятини такомиллаштиришга, унинг халқаро обрў-эътиборини оширишга кўмаклашади.

Азиз Юрий Владимирович, деди докладчи Ю. В. Андроповга мурожаат этиб, Сизни Коммунистик партия ва Совет халқининг юксак ишонч билдирганлиги билан астойдил ва самимий табриклашга, Совет социалистик давлатининг бошлиғи лавозимида, бутун кўп қиррали фаолиятингизда Сизга сиҳат-саломатлик, катта-катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Сессиянинг бутун иши КПСС Марказий Комитетининг кечагина тугаган Пленумининг зўр раҳнамолик таъсири остида ўтмоқда. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг чуқур назарий умумлашмалар ва хулосаларга бой программавий нутқи, Пленум қарорлари — Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси партия билан мамлакат турмушининг туб проблемаларига ижодий ёндашаётганликларининг буюк намунасидир. Бу нутқ ва Пленум қарорлари фаолиятимизнинг узоқ истиқболдаги катта йўлларини очиб беради ва барча коммунистлар, бутун совет халқи томонидан астойдил маъқулланиб қўллаб-қувватланиши шубҳасиз.

Бугун муҳокама қилинаётган Қонун партия белгилаган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга актив кўмаклашиши лозим. Бу Қонун совет кишиси ҳақидаги, унга ўзининг меҳнатчи, мамлакат хўжайини, коммунизм учун курашчи эканини энг яхши, энг самарали тарзда намоён эта оладиган шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган.

Лойиҳанинг қоидалари КПСС XXVI съездининг, Марказий Комитет 1982 йил ноябрь Пленумининг йўл-йўриқларига, партиямизнинг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи 60 йиллиги муносабати билан ишлаб чиққан ҳужжатларига узвий равишда мос бўлиб тушади. Қонун партия билан халқнинг ҳозирги босқичдаги фаолияти бош мазмунини — ривожланган социализмни такомиллаштиришни кенг миқёсда акс эттиради. Қонун лойиҳаси муҳокама қилинган пайтда бу тарихий вазифани амалга оширишга доир аниқ йўлни бутун халқ чинакамига ишонарли тарзда қўллаб-қувватлади. Совет кишилари янги умумиттифоқ қонун актини якдиллик билан маъқуллаб, уни меҳнат коллективлари жамият турмушининг ҳамма соҳаларида ўзлари янада тўлиқроқ намоён этишлари сари қўйиладиган муҳим қадам деб баҳоладилар.

Мазкур Қонуннинг бош моҳияти ҳам аслида: ҳар бир меҳнат коллективи ўзининг сиёсий ўзаги бўлмиш партия ташкилоти раҳбарлигида миллий бойликни янада самаралироқ кўпайтирадиган бўлишига, совет кишиларининг фаровонлигини муттасил юксалтириш ишига, умумхалқ давлатини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўша олишига бутун чоралар билан кўмаклашишдан иборат.

Меҳнаткашлар меҳнат коллективларининг ролини оширишни КПССнинг, партия Марказий Комитетининг совет халқи ижодий кучлари ва имкониятларини янада тўла-тўкис қулф урдириш, социалистик Ватанимизни равнақ топтириш соҳасидаги фаолияти билан асосли равишда боғламоқдалар. Коммунистларнинг фикри-зикри ва ишлари олижаноб вазифага, оммани онгли тарихий ижодкорликка отлантиришга қаратилганлигини меҳнаткашлар кўриб туришибди.

Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги демократик негизларни янада ривожлантириш мавзуи янги таҳрирдаги КПСС Программасида катта ўрин олиши лозимлигини ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда алоҳида уқтириб ўтди. Бугун муҳокама қилинаётган давлатимиз тарихида меҳнат коллективлари тўғрисидаги биринчи Қонун — бу йўлдаги муҳим қадамдир.

Сўнгра докладчи Қонун лойиҳасининг Қонуннинг асосий мазмунини белгилаб берувчи энг муҳим қоидаларига тўхталди. Партия, деб уқтирди у, Советлар мамлакатини ривожланган социализм маррасига олиб чиқди, эндиликда ижтимоий муносабатларнинг бутун системасини янги тузумга ич-ичидан хос бўлган коллективчилик негизлари асосида қайта қуриш ниҳоясига етказилмоқда. Шу тариқа коллективчиликнинг буюк принципини рўёбга чиқариш учун ғоят кенг уфқ очиб қўйилди. Бу принцип жамиятимиз бутун укладининг аниқловчи белгиси бўлиб, меҳнат коллективи эса Қонун лойиҳасида ёзиб қўйилганидек — социалистик жамиятнинг асосий ячейкасидир.

Партиямиз таърифлаб берган бу қоидалар принципиал характерга эгадир. Улар ҳозирги ижтимоий муносабат практикасини умумлаштириб, марксизм-ленинизмнинг социализм тўғрисидаги таълимотини бойитади. Бу қоидаларда ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклигини қарор топтиришнинг меҳнатни эркин ва умумий бир ишга айлантириш билан узвий боғлиқлиги ифодалаб берилган. Социалистик корхоналар ва ташкилотларда биргаликда қилинадиган коллектив меҳнат унинг асосий формаси бўлиб қолади. Мана шундай шароитда меҳнат коллективи жамиятимизнинг асосий ячейкаси статусини касб этади.

Дарҳақиқат шундай бўлмоқда, чунки айни меҳнат коллективларида моддий ва маънавий бойликлар юзага келтирилмоқда, ижтимоий тараққиёт асосларининг асоси бўлмиш ватаннинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланмоқда. Айни меҳнат коллективларида планларимиз кундалик практика тилига таржима қилинмоқда, белгиланган мақсадлар рўёбга чиқарилмоқда. Айни меҳнат коллективларида совет кишилари чинакам ҳаёт сабоғини олмоқдалар, ўзларининг коммунизм актив бинокорлари эканликларини намоён қилмоқдалар.

Жамиятнинг асосий ячейкаси бўлмиш меҳнат коллективи социализмнинг энг муҳим белгилари ва афзалликларини ўзига сингдириб олмоқда. Биздаги меҳнат коллективлари ўзларининг социал табиатига кўра одамларнинг эркин бирлашмалари бўлиб, уларда ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, турли миллат ва элат намояндалари биргаликда баҳамжиҳатлик билан меҳнат қилмоқдалар. Бу муносабатлар — одамлар ўртасида ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам негизидаги муносабатлардир. Бу — уларнинг ўз меҳнати коллектив барча аъзоларининг фаровонлиги билан, бутун жамиятнинг фароғати билан боғлиқлигини чуқур тушуниш ифодасидир.

Мана шуларнинг ҳаммаси социалистик меҳнат коллективларини капиталистик корхоналардаги ходимларни капитал ҳукмронлиги остида ва капитал манфаатлари йўлида, синфий антагонизмда, шахсни эзиш ва бўғиш, ирқий ва миллий тенгсизлик вазиятида бирлаштиришдан мутлақо ажратиб туради.

Жамиятимиз такомиллашиб, тобора янги етуклик белгилари касб этиб борган сайин меҳнат коллективлари ҳам ривожланаверади. Уларнинг социал қиёфаси ўзгармоқда, биргаликдаги фаолият мазмуни бойимоқда, бу фаолиятнинг моддий асоси ривожланмоқда. Меҳнатчиларнинг умумий таълим ва маданий-техникавий савияси ошмоқда. Ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар меҳнатининг характери, уларнинг манфаатлари ва эҳтиёжлари бир-бирига жуда яқинлашиб келмоқда. Бизнинг социалистик меҳнат коллективларимиз тобора кўпроқ даражада социал жиҳатдан бир хил, таркибий жиҳатдан яхлит бўлиб бормоқдалар.

Меҳнат коллективлари ўз ишларини умумдавлат, умумхалқ манфаати устунлигига асосланиб, давлат, коллектив ва шахс манфаатларини бир-бирига тўғри қўшишга эришадиган тарзда қуришлари лозим. Ҳозирги босқичда экономикамиз яхлит халқ хўжалик комплексига айланган, турли регионлар, тармоқлар, соҳалар ўртасидаги алоқалар ҳам, ўзаро боғлиқлик ҳам анча мураккаблашган бир пайтда мана шундай қилиш айниқса муҳимдир.

Ҳар бир меҳнат коллективига ижтимоий мулкнинг муайян, баъзан жуда салмоқли қисми ишониб топширилаётганлиги унинг зиммасига мавжуд ресурслардан оқилона, самарали фойдаланиш учун юксак масъулият юклайди. Гап ҳам моддий, ҳам молиявий, ҳам меҳнат ресурслари тўғрисида бормоқда, деди докладчи.

Натижада уларнинг ҳам ишлаб чиқариш соҳасига, ҳам мамлакатнинг ижтимоий турмушига таъсири анча кучаймоқда. Уларда фаолиятнинг коллектив шакллари ривожланмоқда, одамларнинг коллективчилик онги ва феъл-атвори, совет турмуш тарзининг юксак нормалари қарор топмоқда, энди коллективнинг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий муваффақиятлари тўғрисидагина эмас, шу билан бирга ўз ўртоқларининг, умуман жамиятнинг ишлари ҳақида ҳам ғамхўрлик қилмоқда. Юксак пировард натижалар учун бошланган социалистик мусобақада, ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг янги ташкилий шакллари бўлган ҳамда меҳнаткашлар турли социал группаларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган агросаноат ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларини қарор топтиришда бу юксак нормалар жуда катта роль ўйнайди. Мана шуларнинг ҳаммаси бугун муҳокама қилинаётган Қонунда ўз ифодасини топган ва бу Қонун ёрдамида актив рағбатлантирилаверади. Социалистик меҳнат коллективи, деб таъкидлади у, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, инсоннинг ижодий кучларини юзага чиқариш, унинг қобилиятлари ва истеъдодларини намоён этиш учун бирдан-бир жабҳадир.

Жамият реал равишда гарантиялаб қўйган эркин меҳнат, юксак мақсад илҳомлантириб турган меҳнат — улуғ социал ғалабадир. Совет кишилари ҳам бунинг тарихий аҳамиятини яхши тушунадилар. Аммо бу гапдан меҳнатга эҳтиёж, унга янгича муносабат бизнинг шароитимизда автоматик тарзда ўз-ўзидан вужудга келаверади, деган маъно асло чиқмайди. Бу соҳада ҳали кўп иш қилиш, ҳар қандай ижтимоий фойдали меҳнат унумлироқ бўлиб қолишигагина эмас, шу билан бирга мазмунли, жозибадор, ижодий бўлиб қолишига ҳам интилиш керак. Партия билан давлатнинг куч-ғайрати туфайли бу соҳада жуда кўп иш қилинди, аммо ҳали бундан ҳам кўпроқ иш қилиниши керак. Қонун меҳнат коллективларини фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат шароитларини ва унинг ташкил этилишини яхшилаш, қўлда бажариладиган, кам малака талаб қиладиган ва оғир жисмоний ишларни қисқартириш соҳасидаги фаолиятини кучайтиришга ундайди. Қонун шахсни айни коллективда, коллектив меҳнат орқали, одамларнинг меҳнат жараёнидаги ўзаро баҳамжиҳат ҳаракати орқали ҳар томонлама камол топтиришга кўмаклашади.

Бизнинг мамлакатимизда икки ярим миллионтадан кўпроқ корхона, муассаса ва ташкилотнинг меҳнат коллективлари бор. Уларда металлург ва ғаллакор, шахтёр ва олим, темирйўлчи ва врач, чорвадор ва ўқитувчи, маданият ва савдо ходими ўз ўртоқлари билан ёнма-ён туриб муҳим ва зарур ишни қилмоқдалар. Улар турли коллективларда ишлайдилар, уларнинг ихтисослари ва касб-корлари ҳар хил бўлса ҳам, мақсад ва вазифалари муштарак. Уларнинг коллективдаги меҳнати завод ёки институт, колхоз ёки қурилиш ишининг яхлит натижасига қўшилганидек, барча коллективларнинг фаолияти ҳам умумхалқ меҳнатининг азим дарёси бўлиб бирлашади. Бу азим дарёнинг суви тобора айқириб оқаётганлиги жуда соз!

Қонун лойиҳасида меҳнат коллективларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари ва уларнинг бошқарувда иштирок этиши принциплари белгилаб берилган. Лойиҳада меҳнат коллективларининг, айниқса, меҳнатни бошқариш соҳасидаги ваколатларини кенгайтирувчи бир қанча янги қоидалар баён этилган.

Докладчи меҳнат коллективлари фаолиятининг асосий йўналишларини ва уларнинг ваколатларини батафсил таърифлаб берди. Ишлаб чиқариш коллективларининг вазифаси, деб таъкидлади у, техниканинг имкониятларидан, кадрларнинг малакасидан, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шаклларидан, омманинг ғайрат-шижоатидан тўла-тўкис фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини жадаллаштиришдан иборат.

Г. А. Алиев меҳнат коллективларининг ҳамма соҳаларда интизом ва тартибни ошириш учун, жамият ихтиёридаги барча ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш учун курашдаги, социал масалаларни ҳал этишдаги муҳим ролини уқтириб ўтди.

Коллективларда ғоявий-сиёсий тарбия одамларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш билан узвий бирликда олиб борилмоқда. Меҳнаткашлар марксча-ленинча дунёқарашни, синфий онгни шакллантиришда, буржуа идеологияси ва ахлоқининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизликни қарор топтиришда нақадар активроқ қатнашсалар, жамиятимизда тарбия вазифалари шу қадар муваффақиятлироқ ҳал этилади, деди депутат.

Коллективларнинг меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашга ўтказаётган таъсири ўз аҳамияти жиҳатидан бебаҳодир. Бу фикр Қонунда қайд этилган ва жуда асосли равишда уқтириб ўтилган. Чунки ҳозир ҳар қандай меҳнат коллективида турли миллат кишилари бирлашганлар, улар қардошларча бирликда (бундан бошқача сўзни топиш қийин!), аҳиллик билан муштарак вазифаларни ҳал этмоқдалар. Кўп миллатли меҳнат коллективлари интернационализм руҳи, ягона оила туйғуси жуда яхши тарзда камол топадиган муҳитдир. Интернационалистик психологияси совет характерининг ўзига хос фазилати бўлиб қолганлигида, бизнинг қардош мамлакатлар халқлари билан ҳам, бутун дунё меҳнаткашлари билан ҳам муносабатларимизга сингиб кетганлигида айни меҳнат коллективларининг хизмати катта. Бу психология — реал социализмнинг улуғвор ютуғидир, жаҳоншумул аҳамиятга молик маънавий бойликдир. Уни ардоқлаб асраш ва кўпайтириш — энг муҳим сиёсий вазифалардан биридир.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси совет кишилари коллективларнинг жуда катта тарбиявий имкониятларини сезиб турганликларини кўрсатди. Жуда кўп истакларни эътиборга олиб, Қонун лойиҳасига тегишли қўшимчалар киритилди.

Биз тўла асос билан шундай дея оламизки, меҳнат коллективи — тарбиямиз системасидаги бош бўғинлардан биридир. Эндиликда, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, совет ва хўжалик органларини ва албатта, меҳнат коллективларини ҳам тарбиявий ишни янада кучайтиришнинг аниқ-равшан программаси билан қуроллантирган бир пайтда бу бўғиннинг роли янада кўпроқ ортиши лозим.

Коллективнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари етакчи роль ўйнайдилар. Меҳнаткашларнинг ижтимоий турмушда, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ишларида реал иштирок этиш даражаси, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлиги билан белгиланади. Коммунистларнинг собитқадам ташкилотчилик ва тарбиявий иши коллективни, унда ишлаб турган жамоат ташкилотларини янги талаблар ва имкониятлар даражасига кўтаришга қодирдир.

Қонун меҳнат коллективларининг ваколатларини кенгайтирар экан, касаба союз ташкилотларининг фаолиятига бирталай янгиликлар киритади. Коллективларнинг ҳамма ваколатлари, хоҳ ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва фаровонлигини оширишга тааллуқли бўлсин, хоҳ бошқа ҳар қандай соҳага тааллуқли бўлсин, улар касаба союзларининг энг актив ва таъкидлаб айтаманки, албатта иштирокида амалга оширилади. Касаба союзлари ишлаб чиқаришдаги демократиянинг коллектив шартномалар каби синалган формасидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятини оладилар. Комсомол ташкилотлари ҳам янги Қонунни рўёбга чиқаришда ўз сўзларини айтадилар.

Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда 110 миллиондан кўпроқ совет граждани қатнашди. Меҳнат коллективларининг бир миллион икки юз ўттиз минг йиғилиши лойиҳани кўриб чиқишга бағишланди, бу йиғилишларда беш миллиондан кўпроқ киши сўзга чиқди.

Қонун лойиҳасининг оммавий муҳокамасига сиёсий якун ясаб, тўла аниқлик билан шундай дейиш керак: бу муҳокама совет кишиларининг давлат ишларидан астойдил манфаатдорлигини, уларнинг жонажон партияга чексиз ишончини, уларнинг КПСС, унинг ленинчи Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагида метиндек жипслашганлигини кўрсатди.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши халқ депутатлари Советларининг, барча давлат органларининг, министрликлар ва идораларнинг шу Қонунни турмушга татбиқ этиш соҳасидаги катта ишининг муқаддимаси бўлди. Қонун уларнинг зиммасига меҳнат коллективларининг узлуксиз ва бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, уларнинг фаолиятидаги демократик негизларни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мажбуриятини юклайди. Бу Қонун — ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар хоҳиш-иродасининг мужассамидир. У ҳеч бекам-кўст ва тўла-тўкис амалга оширилиши керак.

Пировардида докладчи бундай деди:

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун жамиятнинг етилган эҳтиёжларига мос бўлиб тушади. Шу билан бирга у узоқ муддат амал қиладиган ҳужжатдир. У Коммунистик партиянинг, Советлар мамлакатининг программавий вазифалари рўёбга чиқарилишига яхши хизмат қилади. Бу Қонуннинг қабул этилиши совет кишиларининг ижодий кучлари, билими ва тажрибасини тағин ҳам самаралироқ ишга солиш учун янги кенг имкониятлар очади. Кўп миллатли ватанимизнинг қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, халқ зиёлилари, барча меҳнаткашлари ўзининг коллектив йўлбошчиси — Ленин партияси раҳбарлигида коммунистик бунёдкорликнинг улуғ йўлида янги зафарларга эришадилар! **(Давомли қарсаклар).**

(ТАСС).

* Доклад қисқартириб босилмоқда. Унинг тўла тексти «Правда» ва «Известия» газеталарида эълон қилинади.

---

# *Депутат М. С. САМАТОВА нутқи*

## (ЎЗБЕКИСТОН ССР, ТОШКЕНТ—ОКТЯБРЬ САЙЛОВ ОКРУГИ)

Ҳурматли депутат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кеча ўз ишини тамомлади. Пленум партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал вазифаларини муҳокама қилди. Бугун биз СССР Олий Советининг сессиясида ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни муҳокама қилмоқдамиз. Бу — партия билан Совет давлатининг икки ўзаро боғланган, ҳаётий муҳим вазифасидир.

Биз ҳаммамиз КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган чуқур мазмунли нутқини зўр эътибор билан тинглаб, қизиқиб танишдик. Биз, совет кишилари Пленум қарорларини, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни астойдил ва якдиллик билан маъқуллаб, буларнинг муваффақиятли амалга оширилиши учун ҳамма ишларни қиламиз, деб айтамиз.

Ўртоқлар! Бугун СССР Олий Совети барча совет кишиларининг хоҳиш-иродаси ва эзгу ҳис-туйғуларини ифодалаб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Юрий Владимирович Андроповни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлади.

Барча совет кишилари сингари биз Совет парламентининг депутатлари ҳам азиз Юрий Владимирович Андроповни кўп миллатли Совет давлатининг бошлиғи қилиб сайланиши билан чин қалбдан табриклаймиз, унга баҳодирона сиҳат-саломатлик ҳамда қаҳрамон халқимиз бахт-саодати йўлидаги, тинчлик ва коммунизм иши тантанаси йўлидаги унинг ғоят машаққатли ва шонли фаолиятида янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг турмуш даражасини янада ошириш, тинчлик учун, кескинликни юмшатиш ва халқаро хавфсизлик учун кураш — ленинчи партиямизнинг бош йўлидир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри ўртоқ Андрей Андреевич Громиконинг ғоят батафсил ва далилларга бой доклади айни ана шундан далолат беради.

Партиямиз, Марказий Комитет, унинг Сиёсий бюроси ҳозирги халқаро аҳволни марксча-ленинча позицияларда туриб таҳлил қилаётганликларини, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган актив, собитқадам ташқи сиёсат фаолиятини тинимсиз олиб бораётганликларини кўриб турибмиз.

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам партия ва Совет давлатининг ана шу ленинча сиёсатини астойдил маъқулламоқдалар ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Мамлакатимизда урушни, қуролланиш пойгасини, халқаро вазиятнинг кескинлашувини хоҳлайдиган кишилар йўқ. Наҳотки ядро урушини чиқаришдан иборат жиноятқорона режаларни тузаётган Пентагондаги ва НАТОдаги генералларнинг телбалиги сабабли ер юзида ялпи фалокатга олиб келадиган фожиа бошланиб кетса, деб ўйлаб қоламан.

Халқимиз планетани урушдан, очликдан ва қашшоқликдан ҳамиша холи ҳолда кўришга интилади. Ҳозир мен тинчлик тўғрисида, уни ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш ҳаётда нақадар муҳим эканлиги ҳақида гапирар эканман, даҳшатли уруш даврининг манзараси кўз ўнгимда намоён бўлади. Уруш бошланганидан кейин кўп ўтмай оғир ярадор жангчилар тушган эшелонлар Тошкентга кела бошлади. Шаҳарда госпиталлар очилди, уларнинг бир қисми мактабларда ташкил қилинди. Биз, комсомоллар ярадорларни оталиққа олдик, медицина ҳамширалари курсларига кирдик. 18 ёшга тўлганимизда эса биз кўнгиллилар қаторида ҳаракатдаги армияга жўнаб кетдик.

Мен учинчи Украина фронти қўшинлари составида олдинги маррада бўлдим, медицина-санитария батальонида медицина ҳамшираси бўлиб хизмат қилдим, ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқдим. Совет солдатларининг мардлигини ҳам, жасоратини ҳам, қаҳрамонлигини ҳам, жароҳатланган жангчиларнинг азоб чекишларини ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Совет Армиясининг жангчилари фашизмга қарши шиддатли жангда бутун инсониятнинг тинч келажаги учун ўз жонларини фидо қилганликларининг шоҳиди бўлдим.

Менинг турмуш ўртоғим ҳам фронтчи бўлган, у Улуғ Ватан урушининг инвалиди.

Мен — энг инсонпарвар касб соҳибаси — мактаб муаллимаси, рус тили ўқитувчисиман. Мен — ўзбек халқининг қизи ифтихор ва чуқур мамнуният туйғуларига тўлиб болаларга оғамиз ва дўстимиз — улуғ рус халқининг тилини, улуғ Ленин тилини, халқларимизнинг иккинчи она тилини ўргатмоқдаман. Бу тилни совет кишилари миллатлараро муомила қилиш воситаси сифатида ихтиёрий равишда қабул қилган бўлиб, у барча миллатлар ва элатларнинг бир-бирлари билан яқинлашувига, дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, тинчлик ва социал тараққиёт идеалларини ҳормай-толмай тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Мен ўзимнинг кўп миллатли республикам билан фахрланаман. Бу республикада 100 дан кўпроқ миллат ва элат ягона аҳил оила бўлиб яшамоқда, бу республикада рус тилини ўрганишга катта эътибор берилмоқда.

Мен ҳар куни болалар орасида она сифатида, ўқитувчи сифатида бўламан. Улар уруш даҳшатлари нима эканлигини билмай, хушчақчақ ва бахтиёр ўсмоқдалар. Мен яқинда мактабдаги ўқувчиларимга америкалик ўқувчи Саманта Смит КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповга хат юборганлиги тўғрисида гапириб бердим. У ана шу хатида уруш ва тинчлик ҳақида фикр юритади.

«Бизнинг жуда катта ва ажойиб мамлакатимизда, деб жавоб қайтарди унга Юрий Владимирович, — ҳеч ким — ишчилар ва деҳқонлар ҳам, ёзувчилар ва врачлар ҳам, катталар ва болалар ҳам, ҳукумат аъзолари ҳам на катта уруш, на «кичик» урушни истаётганлари йўқ. Биз тинчликни хоҳлаймиз — бизнинг шуғулланадиган ишимиз кўп: дон етиштиришимиз, қуришимиз ва ихтиро қилишимиз, китоб ёзишимиз ва космосга парвоз қилишимиз керак. Биз ўзимиз учун ва планетадаги барча халқлар учун тинчликни истаймиз. Биз ўз болаларимиз учун ва Саманта, сен учун тинчликни истаймиз».

Сиз депутат ўртоқлар ана шу сўзлар тагига ҳар бир совет кишиси, ижодкор киши, меҳнаткаш киши, янги жамият бунёдкори имзо чекишга шай эканлигига шубҳасиз қўшилсангиз керак.

Биз бутун планетада тинчлик тарафдоримиз! Бизга тинчлик партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш учун керак. Бизга тинчлик ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун зарур. Мамлакатимизда ёш авлод учун болалар боғчалари ва мактаблар, саройлар ва спорт комплекслари, пионер лагерлари ва поликлиникалар қурилмоқда.

Шаҳримиз ўқитувчилари таълим-тарбия жараёнини мақбул қилиш, ўқувчиларга касбкор ўргатиш, ўқишдан бўш вақтда ўқувчиларни фойдали иш билан банд қилишдек муҳим вазифаларни ҳал этмоқдалар.

Биз, ўқитувчилар ўзимизни ташкилотчилик ва сиёсий ишимизда ғоявий эътиқодлилик, партия ишига садоқат, социалистик Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, интернационализм, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик каби фазилатлар ёш авлодга хос бўлиши керак, деган қоидага асосланмоқдамиз. Биз болаларимиз синчков ва билимдон, моҳир ва меҳнатсевар бўлиб ўсишлари учун ҳамма ишларни қилишга интиламиз. Ҳозирги вақтда шаҳарда ўрта умумий таълим тўла-тўкис амалга оширилди, куни узайтирилган мактаблар доимо ишлаб турибди.

Бизнинг тинч бунёдкорлик режаларимиз катта. Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошира бориб, барча совет халқи билан биргаликда меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги жўш урган бир вазиятда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга оширишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўтган икки йил мобайнида республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 10 процент кўпайди. Пландан ташқари 500 миллион сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти реализация қилинди. Янги саноат объектлари, кўплаб уй-жойлар, мактаблар фойдаланишга топширилмоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш анча кўпайди.

Шонли пахтакорларимиз ажойиб муваффақиятларга эришмоқдалар. Давлат уч йилдан бери сурункасига 6 миллион тоннадан кўпроқ пахта олмоқда. Яқинда пиллачилар меҳнатда янги ғалабани қўлга киритдилар. Улар рекорд миқдорда маҳсулот — қарийб 33 минг тонна пилла етиштирдилар.

Республика меҳнаткашлари об-ҳаво инжиқликлари ва сув тахчиллиги оқибатида рўй берган қийин шароитларда Озиқ-овқат программасини сўзсиз бажариш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Ҳар бир кишининг меҳнат натижалари қанчалик юқори бўлса, халқ фаровонлиги шунчалик ошишини, жонажон Ватанимиз шунчалик қудратли, бинобарин тинчлик гарови мустаҳкамроқ бўлишини биз чуқурроқ тушунамиз.

Лекин ана шу эзгу мақсадларга эришмоқ учун станок ёнида ва далада, мактабда ва лабораторияда яхши ва фидокорона ишлабгина қолмай, тинчлик учун тинимсиз, доимо кураш олиб бориш, уруш оловини ёқувчиларнинг, жаҳонни ядро фалокатига етаклаётган ҳамма кимсаларнинг ҳийла-найрангларини фош қилиб ташлаш лозим.

Мен Иттифоқ Совети ташқи ишлар доимий комиссиясининг аъзоси сифатида парламент делегациялари составида бир неча марта чет элларда бўлдим, шунингдек Ўзбекистонга келаётган сиёсат ва жамоат арбоблари билан учрашдим. Ана шу суҳбатлар ва учрашувлардан барча софдил, ақлирасо кишиларга тинчлик керак деган хулоса келиб чиқади.

Мен уруш қатнашчиси, она, ўқитувчи, СССР Олий Совети депутати сифатида ана шу мўътабар минбардан туриб барча хотин-қизларнинг, ёш авлод барча мураббийларининг ўй-фикрлари ва орзу-умидларини ифодалаб, биз урушни истамаймиз, биз Коммунистик партиямиз билан Совет ҳукуматимизнинг ҳар бир кишининг муқаддас ҳуқуқини — тинч яшаш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган ғоят зўр куч-ғайратларини астойдил ва якдиллик билан маъқуллаймиз, уруш даҳшатлари ҳеч қачон такрорланмаслиги учун ҳамма ишни қиламиз, дейман.

**(Қарсаклар).**

